Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 30 (20.897) 1991 йил 12 февраль, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

17 март—СССР референдуми куни

ЭЛГА ЭЛ ҚЎШИЛСА ДАВЛАТ

Иттифоқни истиқболда мустақил, тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Республикаларининг янгиланган федерацияси тарзида сақлаб қолиш керакми ёки йўқми, деган саволни эшитганда, ҳар гал халқимизнинг дунёқарашини, жамиятга бўлган муносабатини, тарихи ва руҳий ҳолатини ифодаловчи асрлар давомида оғиздан оғизга кўчиб келган мақоллари ёдга келади. Улардан бири сарлавҳага чиқарилган бўлса, қолганлари дилда такрорланади: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» ёки

«Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагин олдирар.
Тўртовлон тўғил бўлса,
Унмаганин ундирар»

Ҳеч қачон теран фикр қилмай ишга киришмаган, ўйламасдан сўзламаган халқимиз ҳамиша дўстликни, байналмилалчилик ғояларини ҳурмат қилиб келган. Шериклашиб, бир бирига кўмаклашиб, кенгашиб қилинган меҳнат ҳайрли, серунум бўлишини, мўлжалдаги иш битмай қолмаслигини уқдирган. «Куч бирликда!» дейиш билан заҳматкаш омма куч-қудратининг бирлашуви натижасида эришиладиган муваффақиятни улуғлаган, илгари кетишга ундаган.

Шу боис бу кун Иттифоқ ҳамда иттифоқдош республикалар билан бўладиган янгича байналмилалчилик муносабатларимизни белгилаш ва эртасини аниқлаб олиш ўртага қўйилганда иноқ ва иттифоқ бўлиб яшаш, кўплашиб ишлаш йўли ирода этилди.

Маълумки, СССР халқ депутатлари тўртинчи Съезди жаҳон тажрибасини эътиборга олиб умумхалқ овоз бериши — СССР референдуми тўғрисида Қонун қабул қилган эди. **Жамоатчилик фикрини изҳор этишни маданий шаклга солиш, энг муҳим муаммоларни ҳал этишда халқни бирлаштириш вазифаси бўлган референдумнинг биринчиси шу йил 17 март куни ўтказилди. Ўша куни барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам яширин овоз бериш учун бюллетенга киритиладиган СССР Олий Кенгаши таърифлаган қуйидаги ягона саволга «Ҳа!» ёки «Йўқ!» деб битта жавоб қайтаришлари керак: «Сиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликларига тўла-тўкис кафолат бериладиган тенг суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида сақлаб қолиш зарур, деб ҳисоблайсизми?».**

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма (1991 йил, январь) Пленуми ўзининг «Ҳозирги пайт ва партиянинг вазифалари тўғрисида»ги Сиёсий баёнотида коммунистларни ва барча фуқароларни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни ёқлаб чиқишга чақиради. Бинобарин, Пленум иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг суверенитетини қарор топтириш жараёнини қўллаб-қувватлаб, буни давлатимизни чинакам мустақил республикалар ва халқларнинг янгиланган иттифоқига айлантириш учун зарур шарт деб билади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида СССР Олий Кенгашининг ушбу масалага доир қарорини қўллаб-қувватлашга аҳд қилинди. Республикамиз кўпчилик аҳолисининг тенг ҳуқуқли, мустақил республикалар федерацияси тарзида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишга қаратилган қатъий фикри ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессияси қарорларида ҳамда у қабул этган Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияда, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тасдиқлаган Ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда референдумга тайёргарлик партия бутун сиёсий ишининг марказига қўйилиши керак. Зотан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоларининг яқинда Тошкент вилоятидаги учрашувида яна бир бор таъкидланганидек, ҳозирги вақтда коммунистлар партиясидан бошқа меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган реал сиёсий куч йўқдир. Партия комитетлари ва ташкилотлари мустаҳкам позицияда туришлари, СССРни сақлаб қолиш нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари лозим. Токи референдум масъулиятсиз сиёсатбозлар қўлида давлатни барбод қилиш қуролига айланиб қолмасин, билакс совет фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини чинакам эркин ва очиқ изҳор этишидан иборат бўлсин. Вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари бузғунчи кучларнинг ҳаракатларига муросасозлик қилмасликлари, ўз ғаразли мақсадларини кўзлаётган кимсаларга, оммани партияга ва ҳокимият идораларига қарама-қарши қўйишга интилувчиларга дадилроқ, қатъий зарба беришлари лозим.

Республикамизда овоз бериш натижалари кўп жиҳатдан куч-ғайратларни бирлаштириб тарғибот-ташвиқот ишларининг қай даражада йўлга қўйилганлигига, ўлкамиз аҳолисининг ўзига хос хусусиятларини, анъаналари ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда жамоат фикрини уйғотишга боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор бериш керак. Иттифоқ таркибида қолиш кераклигининг моҳиятини, унинг Ўзбекистон халқлари манфаати учун фойдали эканлигини ишчи, деҳқонга ҳам, хизматчиларга ҳам, маълумотли одамларга ҳам, бошқа табақадаги кишиларга ҳам етказиш, мавжуд Қонун талабларидан келиб чиқиб, аниқ ва уюшқоқлик, интизом, обрў билан иш олиб бориш муҳимдир.

Энг муҳими, Иттифоқнинг келажаги ҳақидаги референдумнинг Ўзбекистон меҳнаткашлари иродасининг эркин ифодаси бўлиши учун унинг аҳамиятини, республикаларнинг чинакам мустақиллигини оғизда, қоғозда эмас, балки амалда таъминлаш, қудратини оширишнинг мамлакатдаги ҳозирги мураккаб вазиятдан келиб чиққан тўғри йўли эканлигини омманинг онгига сингдириш бурчимиздир.

Ишонамизки, мамлакат ва партиянинг тақдири билан боғлиқ бўлган мураккаб, партия комитетлари, ташкилотлари учун ҳам, коммунистлар учун ҳам ҳар жиҳатдан синов бўлажак ушбу тадбирни муваффақиятли ўтказиш мақсадида барча тадбир-чоралар кўрилади, сиёсий-ташкилий ишлар мукаммал амалга оширилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

«ЁНҒИНДАГИ ЖАСОРАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёнғин пайтида одамларни қутқариш ва давлат мулкини асраб қолиш чоғидаги мардлиги, фидокорлиги ва моҳирлик билан ҳаракат қилгани учун СССР Олий Кенгаши номидан қуйидагилар «Ёнғиндаги жасорати учун» медали билан мукофотлансин:

Отажонов Шавкат — Хива қурилиш-монтаж бошқармаси ишбошиси, Хоразм вилояти

Батчаев Абрек Русланович — сержант, ҳарбий қисм катта механик-ҳайдовчиси

Бухаров Сергей Алекович — лейтенант, ҳарбий қисм взвод командири

Верешчагин Андрей Викторович — кичик сержант, ҳарбий қисм бўлим командири

Запорожец Александр Витальевич — катта лейтенант, ҳарбий қисм рота командири

Иброҳимов Мақсуд Абдуҳамитович — 6-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми бошлиғининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Каримов Шуҳрат Ухтамович — кичик сержант, ҳарбий қисмнинг катта механик-ҳайдовчиси

Мед Сергей Витальевич — Қашқадарё вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими ўт ўчириш раҳбарининг катта ёрдамчиси.

Родимов Александр Геннадьевич — капитан, ҳарбий қисм рота командири

Солиҳов Мўминжон Аброрович — Гулистон ёғ-экстракция заводи мой идишларни хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Сахаров Илья Юрьевич оддий аскар, ҳарбий қисм ҳайдовчи-токари

Тошхўжаев Ваҳоб Аббосович — лейтенант, ҳарбий қисм взвод командири

Утепкалиев Насипкали Зинеагабиденович — оддий аскар, ҳарбий қисм катта механик-ҳайдовчиси

Ҳалимов Роберт Ягминфлюнович — 1-ҳарбийлаштирилган мустақил ўт ўчириш қисмининг ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Шевцов Владимир Александрович — кичик сержант, ҳарбий қисм бўлим командири

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 8 февраль.

ТАЪЗИМ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА КЎРА, 1991 ЙИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИМИЗДА ҚУТЛУҒ ВОҚЕАДИР.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонлашга тараддуд кўрар эканмиз, халқимиз узоқ тарихимизнинг ёрқин саҳифаларида битилган умуминсоний фазилатларни тараннум этувчи ғоялардан яна бир бор баҳраманд бўлмоқда. Улуғ донишманднинг ўлмас асарларида баён этилган сермазмун фикрлари бугунги кунда бизга жуда ҳам яхши илҳом ва ибрат бермоқда. Унинг жавоҳирдек бебаҳо ҳикматлари орқали ҳаётимиздаги барча яхши жиҳатларимизни ва нуқсонларимизни ойнадек кўриб турибмиз, улуғ зотга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимизни бажо келтирямиз.

9 февраль куни Ўзбекистон аҳолиси яхши ният ва зўр ҳавас билан уйғонди. Бобомиз Алишер Навоий туғилган кунни қутлаш муносабати билан тайёрланган тадбирларда қатнашиш ҳар бир кишининг фикри-зикри бўлди. Тошкент шаҳридаги шоир номидаги кўча шу куни ўзгача файзли. Шеърият ҳиёбонидаги мутафаккир ҳайкали ва унинг атрофи ҳар қачонгидан ҳам улуғвор бўлиб кўзга ташланади.

Бу ёдгорлик қайта таъмирлангандан кейин дастлабки ўрнида асли ҳолида тикланди. Унинг атрофида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Шу куни эрталабданоқ бу ерга шеърият ихлосмандлари, олимлар, ёзувчилар, ўқувчилар ва жамоатчилик вакиллари кела бошлашди.

Мутафаккир шоир Алишер Навоийга бўлган ҳурматни бажо келтириш учун бу ерга эрталаб Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси М. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов ҳамда республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳозир бўлдилар. Улар ҳайкал пойига гуллар қўйдилар.

Шундан кейин соат 11 да Алишер Навоий ҳайкали олдида катта мушоира-йиғин бўлди. Бунда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон ССР халқ шоирлари Шукрулло, А. Орипов, шоира Х. Бобомуродова, филология фанлари доктори А. Ҳайитметов, шоирлар В. Солоухин (Москва), Х. Грицко (Киев), Ю. Ҳасанбей (Боку) сўзга чиқдилар. Улар Алишер Навоий асарларининг жуда катта тарбиявий аҳамиятини, бебаҳо маданий мулк бўлиб қолганлигини эътироф этдилар.

Пойтахт областининг Чирчиқ шаҳрида ҳам ўша куни шоир таваллудига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Шу навқирон шаҳарда Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида кўп одам тўпланди. Бу тадбирда Тошкент область партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Д. Т. Азизхўжаев ва бошқалар гапирдилар.

Чирчиқ шаҳридаги бу ҳайкалнинг ижодкорлари — ҳайкалтарошлар А. Раҳматуллаев, Л. Рябцев, архитекторлар С. Одилов ва А. Тожиев Ёдгорлик очилиши чоғида шаҳар мактабларининг ўқувчилари шоир ғазалларини ифодали ўқидилар, санъаткорлар маҳоратларини намойиш этишди.

Абдулла ПУЛАТОВ.

Суратларда: Тошкентда таъмирланган ва Чирчиқ шаҳрида очилган шоир ҳайкаллари ва маъракага тадбирларидан олинган лавҳалар.

Суратлар: В. МОЛГАЧЕВ, А. РИСҚИЕВ (ЎзТАГ) ва Р. АЛЬБЕКОВ.

ДАРОМАДГА ЯРАША

Қўрғонтепадаги районлараро босмахонада вилоятнинг учта рўзномаси нашр қилинади. Бундан ташқари ҳар турли иш қоғозларини чоп этиш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Ўтган йилнинг охирги кварталида бу ерда ташкилот, корхона, хўжаликлар, мактабларнинг муҳр ва ҳужжатбоп қоғозларини тайёрлаб берадиган янги цех ишга туширилди. Бу билан шундай юмушларга эҳтиёжи борларнинг қўшни Қирғизистоннинг Жалолободдаги босмахонасига мурожаат қилишларига ҳожат қолмади. Эр-хотин Владимир ва Валентина Вирцлар буюртмаларни ҳар жиҳатдан сифатли бажариб, мижозлар ҳожатини чиқармоқдалар.

Ўтган йили кўзда тутилганидан 5,5 минг сўм кўп ёки 153,5 минг сўм даромад қилинди. Рентабеллик режадаги 52 ўрнига 53,7 фоизни ташкил этди. Соф фойда ҳисобидан кўп йил ишлаган ва ҳозирда меҳнат пенсиясига чиққан ёки ишлаб турган матбаачиларга 50 сўм миқдорида нафақа ажратиш йўлга қўйилди. Бундай ғамхўрликдан Кароматхон Низомиддинова, Маматазиз Кўчқоров, Саид Исмоилов, Дмитрий Данильян, Матлубахон Холматовалар баҳраманд бўлишди. Шунингдек, босмахонада 20 йилдан ортиқ ишлаган ҳарф теруючилардан Зоҳидахон Абдуллаева, Адҳамхон Нурматов, ҳарф теруючи Хафизахон Солиеваларнинг ойлик иш ҳақига 20 фоиздан қўшимча маблағ ажратилди. Бундан ташқари ходимлар учун эрталабки нонушта ҳам босмахона ҳисобидан ташкил этилмоқда.

С. ИСМОИЛОВ.

МАҚСАД—ТАЖРИБАНИ ОММАЛАШТИРИШ

Пойтахт ноҳияларида ўқитувчилар билим маҳорати, топқирлиги, эстетик дидини синовдан ўтказишга мўлжалланган кўрик тугади.

Унинг ғолиблари фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо буюмлар, пул мукофотлари, чет элга бепул йўлланмалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Кўрик ҳар бирининг дастлабки босқичи бошланди. Унда ҳар бир ноҳиядан ғолиб деб топилган муаллимнинг дарс бериш маҳорати, ўқувчилар билан турли мавзуларда тайёрлаган машғулоти синовдан ўтказилади.

Кўрикни ўтказишдан кўзланган мақсад аниқланган энг яхши муаллимлар маҳорати, тажрибасини оммалаштиришдир.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Наманган вилояти партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Партия, совет, хўжалик идоралари ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш ҳамда салбий ходисаларнинг олдини олиш чораларига оид вазифалари муҳокама қилинди. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б.Ж.Ҳакимов маъруза қилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Вице-Президенти Ш.Р.Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А.С.Ефимов иштирок этдилар.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ IV СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 1991 йил 14 февраль соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 13 февраль куни эрталаб соат 10 дан 19 га қадар Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида рўйхатга олинадилар.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ССР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЯҚИН МУДДАТГА ВА КЕЛАЖАККА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ривожланиши ҳозирги босқичда касаба уюшмаларининг аҳамияти ва ўрни тўғрисидаги масалани янгичасига ва ўткир қилиб қўймоқда. Аҳоли орасидаги ижтимоий ва иқтисодий кескинлик, меҳнат жамоаларининг, ишчилар ва деҳқонларнинг, зиёлиларнинг, меҳнаткашлар ва барча қатламларининг бўлғуси бозор муносабатлари шароитидаги турмуши ва фаолияти касаба уюшмаларидан ўз тактикасини тубдан қайта кўриб чиқишни, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни, ҳар бир кишининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали шаклларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Мамлакат касаба уюшмаларининг умумий конфедерациясини ташкил этиш тўғрисида СССР касаба уюшмаларининг XIX съездида қабул этилган ва Ўзбекистон ССР касаба уюшмаларининг федерациясини тузиш ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездида қабул қилинган декларациялар касаба уюшмалари ҳаракатини, шунчаки такомиллаштиришни эмас, шу билан бирга қарор топган тузилмаларни қайта тузишни, касаба уюшма фаолиятининг устивор йўналишларини мутлақо янги мазмун билан тўлдириш вазифасини ҳам биринчи ўринга чиқариб қўймоқда.

Касаба уюшмалари эълон қилган барча ижтимоий, сиёсий ёшлар ташкилотлари ҳамда бошқа демократик ташкилотлар ва ҳаракатлар билан аҳоли барча табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда тенг ва эркин шерикчилик, давлат ва хўжалик ташкилотлари билан ихтиёрий ҳамкорлик ва шерикчилик қилиш қоидалари, чинакам мустақил ва эркин ташкилот мақоми олинганлиги «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият кафолатлари тўғрисида»ги СССР Қонунида ўзининг ҳаққоний эътирофини биринчи марта топди.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларни маънавий жиҳатдан ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни тартибга солиш муаммолари бутун мажмуини ривожлантиришда касаба уюшмалари янгилаган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибида республиканинг миллий давлатчилигини, иқтисодий мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишни энг муҳим бўғин деб ҳисоблайдилар. Мана шундай шароитда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съезди касаба уюшмаларининг аъзоларига, республиканинг барча меҳнаткашларига, «Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясининг яқин муддатга ва келажакка мўлжалланган ҳаракат дастури»ни таклиф этади.

1. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан касаба уюшмалари федерацияси қуйидаги талаблар бажарилиши учун фаол курашади ва ҳаракат қилади:

суверен социалистик давлатларнинг Иттифоқ шартномаси ва улар ўртасида шартномалар тузилишини жадаллаштириш, бунда Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва сиёсий суверенитетини эътиборга олиш;

иқтисодиётни барқарорлаштириш, истеъмол бозорини қайта тиклаш ва жиноятчиликка қарши кураш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни тезроқ рўёбга чиқариш;

мулкчиликнинг жамоа шаклларини устивор ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида корхоналарни давлат ихтиёридан чиқаришда, уларни сотиб олиш миқдорлари ва тартибини аниқлашда меҳнат жамоаларининг, касаба уюшмалари ташкилотларининг бевосита иштирокини таъминлаш;

бюджетдан таъминланадиган ташкилотларда ишловчи фуқароларнинг, пенсионерлар, талабаларнинг давлат ихтиёридан чиқариладиган мулкка бўлган ҳуқуқларини аниқлаш;

барча меҳнаткашларнинг ўзлари танлаб олган фаолият соҳасидаги шахсий ижодий имкониятларини ва қобилиятларини ҳар томонлама юзага чиқариш учун энг мақбул шароитларни, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юксак унумли меҳнат қилиш ва унга одилона кафолатли ҳақ тўланиши учун шароитларни яратиш;

кафолат берилган товонлар тўланишини — алоҳида меҳнат шароитлари учун район коэффициентлари, устамалари ва қўшимча ҳақлар тўланишини таъминлаш;

республикада ва унинг минтақаларида қўшимча ҳақ ва товонларнинг миқдорини аниқлашнинг асосий нуқтаси сифатида энг оз истеъмол бюджетини қонун йўли билан белгилаб қўйиш ва давлат йўли билан таъминлаш, энг оз тирикчилик даражасини ошкор қилиш;

истеъмол мажмуига киradиган озиқ-овқат маҳсулотлари, ашёвий моллар баҳоси ва хизмат ҳақи кўпайиши учун фуқароларга товон тўланишига кафолат берадиган аҳоли даромадларини индекслаш воситасини яратиш;

хўжалик раҳбарлари, давлат ва ижроия идоралари республика ва минтақаларнинг «Иш билан таъминлаш» комплекс дастурларини амалга оширишлари, қўшимча иш жойларини ҳосил қилишлари, ишдан бўшатиб олинадиган ишчиларга бошқа касбларни ўргатишлари ва уларни қайта тайёрлашлари, фуқаролар ишга жойлашгунча бўлган даврда уларнинг нормал турмуш даражасини сақлаб туришлари, бунда 12 ой мобайнида, пенсияга чиқиш арафасидаги ишчилар учун эса 24 ой мобайнида ўртача иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида ишсизлик нафақаси тўлашни кўзда тутишлари;

иш ҳафтасини 40 соатгача қисқартириш, ҳар йилги таътилнинг энг оз муддатини тўрт ҳафтага етказиш.

Уй-жой муаммоси ўткир ижтимоий муаммолардан бири эканини эътиборга олиб, касаба уюшмалари федерацияси Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига ва республика ҳукуматига:

фуқароларнинг нормал уй-жойли бўлиш ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида уй-жой қонунларини ўзгартириш юзасидан;

уй-жойлар бозорига астасекин ўтиш, уни сотиб олиш ва қуриш учун ёш, кам таъминланган ва жуда муҳтож бўлган оилаларга енгилликлар белгилаб қўйиш тўғрисида;

давлат капитал маблағи ҳисобидан қуриб битказилаётган уй-жойларнинг камида 50 фоизини фуқароларга, биринчи галда кам таъминланган ва жуда муҳтож оилаларга бепул бериш учун ажратиш ҳақида таклифлар киритади.

Якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш уй-жой муаммосини ҳал қилишнинг ҳақиқий асосидир. Касаба уюшмалари республика ҳукуматидан ўз уйларига эга бўлишни хоҳлаган барча фуқароларни ер участкалари, қарзга пул ва зарур қурилиш материаллари билан имкони борича қондиришни талаб қиладилар.

Касаба уюшмалари федерацияси, унга аъзо бўлган ташкилотлар хўжалик раҳбарларидан корхоналарда ишловчиларни иссиқ овқат билан таъминлашни, ишчи ошхоналари ва маиший хоналари тармоғини белгиланган меъёрга етказишни, уларнинг моддий базасини ривожлантиришни талаб қиладилар.

Меҳнаткашларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида федерация:

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши янги «Ўзбекистон ССРнинг меҳнат тўғрисидаги қонунлари кодекси»ни қабул этишини;

маъмуриятнинг ташаббуси билан, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ишчилар, хизматчилар билан шу жумладан, пенсионерлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асослар рўйхати қисқартирилишини;

ходимнинг аризасига биноан ишдан бўшаши тўғрисида огоҳлантиришнинг кўпи билан икки ҳафталик муддати жорий этилишини;

касаба уюшмалари аъзоларининг манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинишини;

меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда ўз вақтида ва одилона ҳал этилишини;

касаба уюшмалари органларида бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш кенгайтирилишини ва касаба уюшмаси адвокатураси ташкил этилишини;

қонун лойиҳаларини тайёрлашда меҳнаткашлар, аҳоли барча табақалари ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ва ўзаро алоқа ўрнатилишини;

халқ депутатлари сайловида ишчи ва деҳқонлар, шунингдек, меҳнат жамоаларининг ҳамма эътироф қилган раҳбарлари, касаба уюшма ҳаракатининг фаоллари кўрсатилишини талаб қилади.

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси касаба уюшмалари тўғрисидаги СССР Қонунига биноан мулкчилик турли шаклларининг иш берувчилари билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан жамоа бўлиб музокара олиб бориш ва жамоа шартномаларини тузиш фақат касаба уюшмаларининг ҳуқуқи эканлигига риоя этилиши учун ҳаракат қилади, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан музокара ўтказади ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишини меҳнат ва турмуш шароитлари, экология вазияти яхшиланишини таъминлайдиган ҳар йилги битимларни тузади.

Тармоқ касаба уюшмалари билан тегишли бошқарув идоралари ўртасида, уюшмалараро касаба уюшма ташкилотлари билан халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари ўртасида, Қорақалпоғистон республика касаба уюшмалари кенгаши билан Қорақалпоғистон ССР Вазирлар Кенгаши ўртасида ҳам мана шундай битимлар тузилади.

2. МЕҲНАТНИ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИКНИ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА ТИЗМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА

Республика касаба уюшмалари федерацияси меҳнаткашларнинг хавф-хатарсиз меҳнат шароитларига, обод истиқомат муҳитига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб;

Ўзбекистон ССРнинг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуни қабул этилишини талаб қилади, бу Қонунда меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш, хавф-хатарсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлиги воситасини жорий этиш кўзда тутиладиган бўлсин;

Ишлаб чиқаришда ишлаб турганларнинг, айниқса, аёллар ва ўсмирларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш, оғир жисмоний меҳнат қилинадиган иш жойларини режали равишда қисқартириб бориш, ишчиларнинг майиб бўлиш хавфини туғдирадиган техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ва алмаштириш, меҳнаткашларни замонавий санитария-маиший хоналар ва қурилмалар билан таъминлаш, шикастланиш ва авариялардан зарарланганларга, шунингдек ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганларнинг оилаларига етказилган зарар учун тўла товон тўлаш, касаба уюшмаларининг, уларга қарашли техника назоратининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини самарали ҳал этишлари устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилишини;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан истиқомат муҳитини назорат қилувчи ягона мустақил тизмани вужудга келтиришни кўзда тутадиган, ҳаётий муҳим бўлган шу муаммога тор маҳкамачилик, маҳаллийчилик билан ёндашишни истисно қиладиган, лойиҳалаштирилаётган ва таъмирланаётган ишлаб чиқариш объектларининг экология жиҳатидан хавфсизлигини республиканинг оммавий ташкилотлари билан биргаликда текширишни йўлга қўядиган республика Давлат дастури дарҳол қабул этилиши ва амалга оширилишини;

«Оролни қутқариб қолиш ва Оролбўйи аҳолисини экология фалокати оқибатларидан қутқариш масаласи юзасидан» СССР Касаба уюшмаларининг XIX съезди баёнотида белгиланган талаблар рўёбга чиқарилишини;

меҳнаткашларнинг, болалар, талабалар ва ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни ташкил этиш яхшиланишини, бу ишларга диган, қурилаётган, ишлатилаётган ва таъмирланаётган ишлаб чиқариш объектларининг экология жиҳатидан хавфсизлигини республиканинг оммавий ташкилотлари билан биргаликда текширишни йўлга қўядиган республика Давлат дастури дарҳол қабул этилиши ва амалга оширилишини;

«Оролни қутқариб қолиш ва Оролбўйи аҳолисини экология фалокати оқибатларидан қутқариш масаласи юзасидан» СССР Касаба уюшмаларининг XIX съезди баёнотида белгиланган талаблар рўёбга чиқарилишини;

меҳнаткашларнинг, болалар, талабалар ва ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни ташкил этиш яхшиланишини, бу ишларга етарли молиявий ва моддий воситалар ажратиб берилишини;

16 ёшга етмаган фарзандлари (18 ёшга етмаган ўқувчилар) ўз боқувида бўлган ота-оналарга касаллик варақалари бўйича узлуксиз иш стажи қанчалигидан қатъи назар, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида нафақа тўлаш белгиланишини талаб қилади.

Касаба союз шифохоналарини, саёҳат ва дам олиш муассасаларини қуриш ҳамда таъмирлашга, одамларни даволаш ва уларга хизмат қилиш сифатини оширишга алоҳида эътибор берилади. 1991—1995 йиллар мобайнида 2000 ўринли санаторийлар ва 2500 ўринли сайёҳлик объектларини қуриш кўзда тутилади.

3. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАДАНИЯТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ЁШЛАР ВА БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ БОРАСИДАГИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА

Касаба уюшмалари федерацияси меҳнаткашларнинг ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини республика халқи маънавий ва маданий турмуш даражасини муттасил ўстириш муаммолари билан чамбарчас боғлаб олиб боради.

Шу мақсадда касаба уюшмалари:

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашидан «Маданият тўғрисида» ва «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги қонунларни қабул этишни;

республика ҳукуматидан маданият ва спортни ривожлантириш учун бюджет маблағларини кўпайтиришни, бир киши ҳисобига қилинадиган харажатлар Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан кам бўлмаслигини таъминлашни;

маданият ва таълимга тижоратнинг сингдирилишига, видео ва кино бозорига, театр ва адабиётга ҳаддан ошиш ва пасткашликнинг, зўравонлик ва сурбетликнинг, истеъмолчилик руҳий ҳолатининг кириб қолишига қаршилик қилиниши;

барча маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларига солиқ солиш соҳасида, шу жумладан, ерлардан, меҳнат ва табиат воситаларидан фойдаланганлик учун имкони борича қулай меъёрлар белгилаб қўйилишини;

касаба уюшмаларининг маданий муассасаларида хўжалик юритишнинг янги воситасини амалда жорий этишни, уларнинг ходимларига меҳнат жамоаларининг ижтимоий-ижодий буюртмаларини бажарганликлари учун одилона ҳақ тўланишини таъминлашни;

таълим ва маданият мажмуаларида машғул бўлган ходимларга тегишли минтақалар халқ хўжалигидаги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган даражада иш ҳақи белгиланишини;

касаба уюшмаларининг бюджетидан ва корхоналарнинг жамғармаларидан клуб муассасаларини, кутубхоналарни, соғломлаштириш лагерларини, спорт иншоотларини сақлаш харажатларини қисқартиришни кўзловчи гуруҳбозлик худбинлиги кўринишлари қатъиян тугатилишини;

касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Қорақалпоғистон республика ва вилоят касаба уюшма марказлари ҳузурида маданий ва болалар дастурларини пул билан таъминлаш жамғармалари вужудга келтирилишини;

йигит ва қизларни, айниқса, иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва турмуш соҳасида ҳар қандай турдаги камситишлардан ҳимоя қилиш, ёш оилаларнинг, ўқувчи ёшларнинг моддий аҳволини яхшилаш чора-тадбирларини кўзда тутадиган, ёш ходимларни, ўқувчиларни касаба уюшма ҳаракатида фаол қатнашишга жалб этадиган давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни;

давлат идораларидан ёшлар, болалар, пенсионерлар учун, аҳолининг кам даромадли бошқа табақалари учун маданият соҳасида бепул ва имтиёзли хизмат жорий этилишини;

таълим ва маориф соҳаларига сарфланадиган маблағ кўпайтирилишини, мутахассисларга таълим ва тарбия бериш сифатини оширишни, ғоялар ва истеъдодларни рағбатлантиришни, талабаларнинг ётоқхоналари аҳволини яхшилашни талаб қиладилар.

Касаба уюшмалари ўз кундалик фаолиятида ўзбек адабиётини ва халқнинг маънавий қадриятларини ривожлантиришга, республикада яшовчи барча халқларнинг миллий-этник маданиятларини равнақ топтиришга кўмаклашадилар, меҳнат ва ўқув жамоаларининг миллатлараро алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга ҳаракат қиладилар.

4. РЕСПУБЛИКАЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси:

ахборот ва тажрибани мунтазам айирбошлаш, республикалараро алоқаларга энг қулай шароитни таъминлаб бериш, ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш зарурлигини эътиборга олиб, иттифоқдош республикалар ва чет эллар касаба марказлари билан ўз алоқаларини ўрнатади;

касаба уюшмалари раҳбарлари ва фаолларининг маслаҳат учрашувларини, қўшма семинарлар ва симпозиумларни, бирдамлик ҳаракатларини ўтказиб туради, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари ҳамда шаклларини юзасидан тажриба ва ахборот алмашади;

чет эл касаба марказлари ва уларнинг маҳаллий касаба ташкилотлари билан ишбилармонлик ва тижорат фаолияти, қўшма корхоналарнинг касаба комитетлари ишини такомиллаштириш юзасидан халқаро тажрибани ва халқаро меҳнат ташкилотининг амалдаги қоидаларини эътиборга олиб, қўшма комиссиялар тузади;

халқаро меҳнат ташкилотининг фаолиятида қатнашишга, шунингдек, корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари томонидан меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида халқаро меҳнат ташкилоти ишлаб чиққан меъёрномаларнинг жорий этилишига ҳаракат қилади ҳамда республика қонунларини халқаро қоидаларга мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан Ўзбекистон ССР ҳукуматига ва Олий Кенгашига таклифлар киритади.

5. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА

Касаба уюшмаларининг тузилиши ташкилий қоидалари тубдан қайта қурилаётган, федерализм негизлари қарор топаётган, бошланғич ташкилотларга уларнинг манфаатларини ғоят тўлиқ ҳимоя қилиш учун қандай юқори тузилма органларини шакллантириш кераклигини ўзлари белгилаш ҳуқуқи бериб қўйилган шароитда Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси ўз куч-ғайратларини;

меҳнат жамоасида меҳнат аҳли бевосита ҳимоя қилинишини таъминлайдиган ва ижтимоий ҳамда иқтисодий ўзгартишларнинг асосий ҳужайраси сифатида иш қўрадиган бош бўғин бўлмиш бошланғич касаба уюшма ташкилотларини мустаҳкамлашга;

Ўзбекистон тармоқ касаба уюшмаларининг, меҳнаткашлар, ўқувчи ёшлар айрим гуруҳлари касб-кор манфаатларининг муштараклигига асосланган турли уюшмалар ва бирлашмаларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва қарор топтиришга;

меҳнаткашларнинг маҳаллий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда, уларнинг ишини федерализм қоидалари асосида қайта қуришда уюшмалараро касаба уюшма органларининг аҳамиятини оширишга;

тармоқ ва уюшмалараро органларнинг мустаҳкам ўзаро алоқасини ривожлантиришга, амалда уларнинг давлат, хўжалик идораларидан, сиёсий ва жамоат ташкилотларидан мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, тенг шерикчилик асосида меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилишда улар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйишга;

касаба уюшмаларининг Ўзбекистон касаба уюшмаларига тегишли мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва бошқаришдан иборат қонуний ҳуқуқини ҳимоя қилишга;

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият кафолатлари тўғрисида»ги СССР Қонуни ва «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни асосида касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий негизини вужудга келтиришга;

Ўзбекистон касаба уюшма ҳаракати назариясини ишлаб чиқишга, Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи ва касаба уюшмаларининг тузилиши юзасидан ўқув қўлланмалари нашр этишга;

касаба уюшмаларининг тадқиқот ва илмий базасини яратишга;

касаба уюшма раҳбарлари ва фаолларига касб-кор ўргатишни яхшилаш, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини билимдонлик билан ҳимоя қилиш учун зарур билимларни ўрганишлари мақсадида касаба уюшма ўқуви тизмасини қайта қуришга;

касаба уюшма ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўришга; касаба уюшмаларининг ўқув юртларида таълимни уюштиришда, хўжалик ҳисоби муносабатларини жорий этишда шартномавий негизларни ривожлантиришга, янги шароитда касаба уюшмалари ўқув юртларининг самарали ишлаши учун меъёрий-ҳуқуқий асосларни вужудга келтиришга;

уюшмалараро касаба уюшма органларида ва тармоқ касаба уюшмалари комитетларида ягона ахборот тизмасини вужудга келтиришга, матбуот хизмати тармоғини ривожлантиришга, кўп нусхали рўзномаларни меҳнат жамоаларининг нашрларига айлантиришга, Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясининг босма нашрини вужудга келтиришга; касаба уюшмаларининг фаолиятини батафсил ёритиш учун давлат, партия нашрлари ва бошқа органларнинг оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланишга қаратади.

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси касаба уюшмаларининг барча аъзоларини, республиканинг ҳамма меҳнаткашлари ва аҳолисини ўз амалий ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашга, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва ҳаққоний манфаатларини ҳимоя қилиш, янгиланган совет федерацияси таркибидаги суверен давлат бўлмиш Ўзбекистон ССРни миллий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида касаба уюшма ҳаракатини жиддиштириш учун ўз куч-ғайратларини сарфлашга чакиради.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари — давлат, кооператив, ижара, қўшма корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоа хўжаликларининг ишчилари ва хизматчиларини, шунингдек якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни, қисман ишда банд бўлган ҳамда вақтинча ишсиз кишиларни, олий ўқув юртларининг, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини, ишламайдиган пенсионерларни ҳамда ўз фаолияти ишлаб чиқариш соҳаси ва ишлаб чиқаришдан ташқари соҳалар билан умумий манфаатлар асосида боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг бошқа тоифаларини бирлаштирувчи, ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, мустақил, ўзини ўзи бошқарувчи жамоат ташкилотларидир.

2. Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида тузилади ва меҳнаткашларни касб-ҳунар, ишлаб чиқариш, ҳудудий-ишлаб чиқариш, тармоқ, тармоқлараро, ҳудудий қоидаларга кўра бирлаштиради. Улар ўз фаолиятида давлат ва хўжалик бошқаруви идораларига ҳисоб бермайди ва бу идоралар томонидан назорат қилинмайди. Иттифоқдош республикаларнинг ҳамда хорижий мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилади, халқаро ва бошқа касаба уюшмалар бирлашмаларига аъзо бўлади.

II. ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг мақсади — СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари ҳақида»ги СССР Қонунига халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан қабул қилинган қоидаларига, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияга, тармоқ касаба уюшмаларининг уставларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга мувофиқ меҳнаткашларнинг касб-ҳунар, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ақлий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари қуйидагиларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг сифатли ва унумли меҳнатга кўмаклашадиган, ижтимоий жиҳатдан адолатли тартибини жорий этиш;

инсоннинг маънавий ва жисмоний куч-қувватини қайта тиклашга ёрдам берадиган бўш вақтни кўпайтириш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш;

ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига мувофиқ меҳнат қиладиган ишловчиларнинг малакасини ва касб-ҳунар бўйича қайта тайёргарлигини ошириш;

ижтимоий адолат қоидаларига риоя қилиш;

меҳнат тўғрисидаги қонунларга, ишлаб чиқариш санитарияси, хавфсизлик техникаси ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза этиш қоидалари ва нормаларига риоя қилиш;

ишлаётганларга ёки атроф-муҳитга зарар етказаётган ишлаб чиқаришлар бўлса, уларнинг иш жараёнини тўхтатиб қўйиш;

жамоа бўлиб шартнома ва битимлар тузиш, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари:

ўз Уставларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, ўз тузилишини белгилайди, раҳбар органларини сайлайди, ўз фаолиятини уюштиради, йиғилишлар, пленумлар, мажлислар, конференциялар, қурултойлар ўтказади;

СССР ва Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон республикаси халқ депутатлигига ҳамда маҳаллий Советлар депутатлигига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқини амалга оширади;

оммавий ҳаракатлар ва иш ташлашларни уюштиради;

ижтимоий суғурта фондини бошқаради;

қонун лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиради;

касаба уюшмалари аъзоларининг қонуний ҳуқуқларини чеклаб қўядиган норматив ҳужжатлар қабул этилишига қаршилик кўрсатади ва қабул қилинган шундай ҳужжатларнинг бекор қилиниши учун ҳаракат қилади;

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ УСТАВИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

давлат ва хўжалик бошқаруви идораларида касаба уюшмалари аъзолари номидан иш кўради ҳамда уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

жамоатчилик фикрини ўрганади, ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни давлат бошқаруви идораларидан талаб қилади;

ўз босма органларини, ўқув ва маслаҳатлашув марказларини тузади;

қонунларга зид бўлмаган ўз хўжалик, нашрий ва бошқа фаолиятини амалга оширади;

ўз маблағи ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда жамланган маблағ ҳисобига санаторий-курорт, сайёҳлар комплексларини, маданият, дам олиш, спорт иншоотларини қуришда буюртмачи бўлади;

ўзига қарашли асосий фондларни, касаба уюшмаси бюджети ва мол-мулкини бошқаради;

касаба уюшмаларининг аъзоларига ҳуқуқ ва маслаҳатлашувга доир бепул ёрдам ҳамда моддий ёрдам кўрсатади;

ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилади, касаба уюшмаларининг ягона ахборот хизматини ривожлантиради.

III. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Касаба уюшмаси Уставини эътироф этувчи ва бажарувчи ҳамда аъзолик бадалларини тўловчи ҳар бир меҳнаткаш касаба уюшмасининг аъзоси бўла олади.

Касаба уюшмаси аъзолигига касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти томонидан якка-якка тартибда қабул қилинади.

2. Касаба уюшмаси аъзолари бир касаба уюшмасидан бошқасига ўтганида, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини вақтинчалик ёки бутунлай тўхтатганида, агар улар касаба уюшмаси билан алоқа боғлаб турса ва аъзолик бадалларини тармоқ уставларида белгиланган миқдорда ҳар ойда тўлаб турса, уларнинг касаба уюшмасидаги аъзолик ҳуқуқи сақлаб қолинади.

3. Касаба уюшмаларининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат, суд ва хўжалик идораларида меҳнат муносабатлари масалалари юзасидан касаба уюшмаси томонидан ҳуқуқий ёрдам олиш ва ҳимояланиш;

касаба уюшмалари органларига сайлаш ва сайланиш;

касаба уюшмалари тузган тадбирларда қатнашиш, ўз фикрини эркин ифода қилиш;

касаба уюшмасидан моддий ёрдам олиш;

тармоқ уставига кўра бошланғич ташкилот белгилайдиган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

шахсий аризасига биноан касаба уюшмасидан чиқиш.

4. Касаба уюшмаларининг аъзолари қуйидаги вазифаларни бажаришлари шарт:

касаба уюшмаси Уставини бажариш;

касаба уюшмалари органларининг қарорлари бажарилишига кўмаклашиш;

аъзолик бадалларини тўлаб туриш;

касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг фаолиятида қатнашиш.

5. Касаба уюшмасида фаол ишлаган кишилар маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилишлари мумкин.

6. Уставда белгиланган вазифаларини бажармайдиган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан касаба уюшмасидан чиқаришга қадар жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

IV. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз фаолиятини федерализм қоидалари асосига қуради. Бу эса касаба уюшмаларининг ташкилотлари ўз тузилишини ҳамда фаолиятининг устун йўналишларини белгилашда, касаба уюшмалари маблағларидан фойдаланишда тартиб ўрнатишда, касаба уюшмаси юқори органини унга тегишли ҳуқуқ ва вазифаларни бериш йўли билан тузишда мустақилдир, деган маънони билдиради.

2. Касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти — мазкур уюшманинг негизи бўлиб, у касаба уюшмаси тармоқ Уставига мувофиқ ташкил қилинади ва тарқатиб юборилади ҳамда касаба уюшмасининг сайлаб қўйиладиган, бирлаштирувчи органида рўйхатдан ўтказилади.

Касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти ва унинг сайлаб қўйиладиган органи ўзига бериб қўйилган ҳуқуқларга ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари ҳақида»ги СССР Қонунига мувофиқ;

ишлаб чиқариш, меҳнат, турмуш, маданият соҳаларида меҳнаткашлар номидан иш кўради ва уларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилади;

меҳнат жамоаси номидан корхона маъмурияти билан коллектив шартнома (битим) тузади ва унинг бажарилишини назорат қилади;

меҳнат низоларини ҳал қилади;

касаба уюшмаси қурултойларининг ва касаба уюшмаси юқори идораларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

касаба уюшмаси тармоқ уставида белгиланган бошқа масалаларни ҳал қилади.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари тузилишига район, шаҳар, вилоят органлари, вилоятлардаги уюшмалараро ҳудудий органлар, Қорақалпоғистон республика касаба уюшмалари ташкилотлари, республикадаги касаба уюшмаларининг тармоқ идоралари, Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерацияси ҳам киради.

Касаба уюшмаси аъзоларининг ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмаларининг таркиби доирасида касаба уюшмалари ташкилотлари профкомлари раислари (вакиллари)нинг кенгашлари, иттифоқлари, шунингдек уларнинг бўлимлари, шўъбалари тузилиши мумкин. Меҳнат ва касб-ҳунар белгиларига мувофиқ тарзда меҳнаткашларнинг бирлашмалари, районлар ва шаҳарларда эса профком раисларининг мувофиқлаштирувчи кенгашлари ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Тегишли касаба уюшмаси комитетини ёки ҳудудий кенгаш (бирлашма)ни тузиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг ташаббуси билан касаба уюшмалари конференциялари ва қурултойларида қабул қилинади.

Тузиладиган комитетлар ёки кенгашларнинг вазифалари ва иш тартиби ҳудудий кенгашларнинг тегишли қоидалари (низомлари), тармоқ низомлари асосида ҳамда касаба уюшмалари қуйи ташкилотларининг уларга юборилган делегатларининг ваколатлари асосида белгиланади. Уларнинг ўзаро молиявий муносабатлари ҳам шу тарзда белгиланади.

4. Касаба уюшмаларининг район, шаҳар, вилоят ташкилотлари касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларини бирлаштиради ва касаба уюшмалари тузилишида ўрта бўғин ҳисобланади. Улар касаба уюшмасининг тегишли комитетини ҳамда тафтиш комиссиясини, касаба уюшмаси тармоқ уставида белгилаб қўйилган ваколат муддатга сайлайди.

Район, шаҳар, вилоятда касаба уюшмаси комитети ўрнига касаба уюшмаси тегишли комитетининг ҳуқуқларига эга бўлган касаба уюшмалари раисларининг тармоқ кенгаши тузилиши мумкин.

Касаба уюшмасининг район, шаҳар, вилоят комитетлари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа комитети:

касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотлари ўз ҳимояланиш хизматларини, ҳуқуқ ва вазифаларини бажаришида уларга амалий ёрдам ва мадад берадилар;

ўз ишларини бошланғич ташкилотлар олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган, конференцияларнинг қарорларига амал қилган ҳолда ташкил этадилар;

касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг манфаатларини район, шаҳар, вилоятлардаги давлат ва хўжалик бошқарув идораларида ҳимоя қиладилар, жамоаларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш масалалари юзасидан улар билан битимлар тузадилар;

касаба уюшмасининг бюджетидаги маблағ ҳисобидан ўз тузилишига доир масалаларни мустақил равишда ҳал қиладилар;

касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларини ҳамда уларнинг тузилиш бўғинларини рўйхатдан ўтказадилар;

касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитишни ташкил қиладилар;

касаба уюшмаси қурултойларининг, касаба уюшмалари юқори идораларининг қарорлари бажарилишини ташкил этадилар;

касаба уюшмаси тармоқ уставида белгилаб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

5. Касаба уюшмаларининг республика тармоқ ташкилотлари мустақилдирлар, улар ўз дастурий ҳужжатларини, уставларини ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар.

Улар касаба уюшмасининг сайлаб қўйилган ўз марказий (республика) органи сифатида:

касаба уюшмаси қурултойлари қарорларининг бажарилишини уюштирадилар;

давлат ва жамоат идораларида касаба уюшмалари ташкилотлари номидан иш кўрадилар ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, касаба уюшмасига кирган ўз аъзоларининг қонуний талабларини ҳимоя қиладилар;

тармоқларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг давлат дастурларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш чоғида республика хўжалик бошқарув идораларининг ишида қатнашадилар;

тегишли хўжалик идоралари (вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар) билан соҳа меҳнаткашларига тааллуқли бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуаси бўйича битимлар тузадилар;

касаба уюшмаларининг қуйи ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар ва бу ташкилотлар ўз фаолиятини амалга оширишда, шунингдек жамоалардаги меҳнат юзасидан бўладиган низоларни ҳал қилишда уларга амалий ёрдам берадилар, ўз аъзоларининг қонуний талабларини қўллаб-қувватлайдилар;

меҳнат соҳасидаги техника, ҳуқуқий инспекциялар, вакил қилинган шифокорлар ишига раҳбарлик қиладилар, меҳнатни ва кишилар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари юзасидан норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашадилар ҳамда ишлаб чиқаришда уларга риоя этилишини назорат қиладилар;

хўжалик идораларининг амалдаги қонунларга зид равишда қабул этилган бошқарув қарорларини рад этишга ҳаракат қиладилар;

ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуаси бўйича ҳукумат билан Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши ўртасида тузиладиган битимларга ўз таклифларини киритадилар;

касаба уюшмалари ходимларини ўқитишни ташкил қиладилар, касаба уюшмаси фаолиятидаги ижобий тажрибани умумлаштирадилар ва оммалаштирадилар;

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши ҳамда касаба уюшмаларининг ҳудудий кенгашлари (бирлашмалари) билан тенг ҳуқуқли асосда, биргаликда ҳаракат қиладилар;

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг қурултойи ва Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши қабул қиладиган қарорларнинг бажарилишини таъминлайдилар;

касаба уюшмасининг тармоқ уставида белгилаб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

6. Касаба уюшмаларининг уюшмалараро вилоят ташкилотлари — тармоқ касаба уюшмаларининг, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг, уюшмаларнинг ҳамда меҳнаткашлар касаба уюшмалари бошқа бирлашмаларининг ихтиёрий иттифоқидир. Улар ўз дастурий ҳужжатларини, қоидалари (низомлари)ни ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар.

Улар ўзларининг сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи — касаба уюшмаларининг вилоят кенгаши (касаба уюшмаси вилоят бирлашмаси) номидан:

вилоятлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида ўзларига аъзо бўлган ташкилотларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар;

уюшмалараро вазифаларни ҳал этишда ўзларига аъзо бўлган ташкилотларнинг фаолиятини бирлаштирадилар ва мувофиқлаштириб турадилар;

меҳнат, иш билан таъминлаш, турмуш, соғломлаштириш, маданият масалалари ва бошқа масалалар хусусида таклифлар киритадилар, шу таклифлар бажарилишига эришадилар;

меҳнаткашларга ижтимоий кафолатларни таъминлаб берадиган барча масалалар мажмуаси юзасидан ўзларига аъзо бўлган ташкилотлар ўртага қўйган талабларни қўллаб-қувватлайдилар ва қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар;

ишчи кадрларни касб-ҳунар ўрганишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини уюштиришга интиладилар;

аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари турмуш даражасини ўрганадилар, аҳоли даромадлари нисбатини ва халқ истеъмоли моллари ҳамда хизматлар кўрсатиш нархларининг ўсиши индексларини тартибга солиб туриш юзасидан таклифларни тайёрлашда иштирок этадилар;

уй-жойлар ва маданий-маиший бинолар қурилиши режаларининг бажарилиши, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг, мактабгача тарбия болалар муассасаларининг иши устидан жамоат назоратини ўрнатадилар, кооператив тарзда ҳамда якка тартибда уй-жойлар қурилишини ривожлантиришга, жамоа бўлиб боғдорчилик ва полизчилик ишларини кенг йўлга қўйишга кўмаклашадилар, уй-жойларни тақсимлашда қатнашадилар, минтақада ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришни назорат қилиб турадилар;

касаба уюшмалари органлари ва ташкилотларига методик, ташкилий, ҳуқуқий ёрдам ҳамда маслаҳат ёрдами кўрсатадилар, касаба уюшмалари кадрлари ва фаолларини ўқитишни ташкил қиладилар, уюшмалараро тадбирларни ўтказадилар;

кенгаш (бирлашма)га қарашли бўлган, жисмоний тарбия ва спорт билан маданий-тарбиявий ишлар билан шуғулланадиган ташкилотларнинг фаолиятини йўналтириб турадилар;

Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойи ва Ўзбекистон ССР касаба уюшмаларининг Федерацияси кенгаши қабул қиладиган қарорларнинг бажарилишини таъминлайдилар;

касаба уюшмалари вилоят кенгаши (бирлашмаси) тўғрисидаги қоидалар (низом)да белгилаб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

7. Қорақалпоғистон республикасининг уюшмалараро касаба уюшмаси жумҳурият ташкилоти — тармоқ касаба уюшмаларининг, касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг, уюшмаларнинг ҳамда меҳнаткашлар касаба уюшмалари бошқа бирлашмаларининг ихтиёрий иттифоқидир. У мустақил бўлиб, ўз дастурий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқади, ўз қоидалари (низоми)ни қабул қилади.

Ўз сайлаб қўйилган касаба уюшмаси органи — республика касаба уюшмалари кенгаши номидан, ҳудудий уюшмалараро органлар каби меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга доир барча масалалар мажмуасини таъминлайди;

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг қурултойи ва Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши қабул қилган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;

Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши тўғрисидаги қоидалар (низом)да белгилаб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

8. Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерацияси — мустақил жамоат ташкилотидир, у тармоқ, ҳудудий ва бошқа касаба уюшмаларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиради. Федерациянинг асосий мақсади — республика меҳнаткашлари ва ўқувчи ёшларининг касб—ҳунар-меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишни мувофиқлаштириб туришдан ҳамда улар ишида бирликка эришишдан иборатдир.

Ўз сайлаб қўйилган органи — Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши номидан:

меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан таклифларни, қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг муқобил нусхаларини республикадаги ҳукумат идораларига тақдим этади, бошқарувнинг янги иқтисодий шаклларига ўтиш муносабати билан бўшатиб олинадиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва шунга ҳаракат қилади, иш билан банд бўлишга доир кафолатлар ҳақидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилади;

ўз ҳуқуқи доирасида турмуш даражасининг асосий мезонларини, нархлар индекси ўзгариши билан боғлиқ товон миқдорини аниқлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида қатнашади; тирикчиликнинг қонун билан белгилаб қўйилган энг паст поғонасига риоя этилиши устидан, нархновонинг ошиши муносабати билан пенсиялар, стипендиялар, нафақалар миқдори ўз вақтида қайта кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади;

меҳнаткашларни ҳимоя қилишнинг энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолари хусусида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси билан битимлар тузади;

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига қарашли ҳамда санаторий-курортларда даволаш ва меҳнаткашларнинг дам олиши билан, жисмоний тарбия ва спорт, маданий-тарбиявий ишлар билан шуғулланадиган ташкилотларнинг фаолиятини йўналтириб туради;

Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясига қарашли ва унга аъзо бўлган ташкилотлар ўртасидаги ихтилофларни кўриб чиқади ва ҳал қилади;

иттифоқ, республика, ҳукумат шартномалари ва битимларини ҳамда халқаро шартномалар ва битимларни имзолаш чоғида ҳуқуқий шахс ҳисобланади;

Федерация кенгаши аппаратининг тузилиши ва штатларини белгилашда ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан мустақилдир;

тижорат ҳамда хўжалик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга, нашриёт фаолиятини амалга оширади;

Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойининг ва Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон ССР касаба уюшмаларининг Федерацияси тўғрисидаги Қоидаларда белгилаб берилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

9. Йиғилишлар, конференциялар, қурултойлар касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг, касаба уюшмалари тармоқ ва тармоқлараро ташкилотларининг олий органи ҳисобланади, йиғилишлар, конференциялар, қурултойлар ўртасидаги даврда эса сайлаб қўйилган органлар (профкомлар, кенгашлар, касаба уюшмаларининг тармоқ комитетлари) мазкур ташкилотларнинг юқори органи ҳисобланади.

Сайлаб қўйилган орган касаба уюшмасининг умумий йиғилишига, конференциясига, қурултойига ҳисоб бериб туради.

Касаба уюшмаларининг сайлаб қўйилган органларининг вазифалари, уларнинг иш тартиби, вакиллик муддатлари ва ҳисоб бериб туриш вақти тармоқ касаба уюшмаларининг уставларида, касаба уюшмалари вилоят кенгашлари (вилоят касаба уюшмалари бирлашмалари)нинг қоидалари (низомлари)да белгилаб қўйилади.

V. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯЛАРИ

Касаба уюшмасининг тафтиш комиссияси — мустақил орган бўлиб, у касаба уюшмасининг сайлаб қўйилган тегишли органи билан айни бир пайтда касаба уюшмаси йиғилишида, конференциясида, қурултойида ўша муддатга ҳамда ўша тартибда сайланади.

Тафтиш комиссиялари ўз фаолиятида тармоқ касаба уюшмаларининг уставларига, касаба уюшмаларининг уюшмалараро бирлашмалари тўғрисидаги қоидалар (низомлар)га, тафтиш комиссиялари тўғрисидаги қоидаларга амал қиладилар.

VI. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

1. Касаба уюшмаларининг пул маблағлари касаба уюшмалари аъзоларининг уюшмага кириш ҳамда аъзолик бадалларидан, ишлаб чиқариш, нашриёт, тижорат ва қонунларда йўл қўйилган бошқа фаолияти тушумларидан, шунингдек маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилиши туфайли тушган тушумлардан, хўжалик органларининг тушумлари ва бошқа манбалардан ҳосил бўлади.

2. Касаба уюшмаларининг аъзолари учун уюшмага кириш бадаллари ва ҳар ойда тўланадиган бадаллар миқдори тармоқ касаба уюшмаларининг тегишли уставларида белгилаб қўйилади.

3. Марказий (республика), вилоят, шаҳар, район комитетлари, профкомлар раисларининг тармоқ кенгашлари фаолиятини пул билан таъминлаш учун касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан ажратмалар миқдори тегишли қурултойларда, конференцияларда ёки сайлаб қўйилган органларнинг мажлисларида касаба уюшмалари қуйи ташкилотлари билан келишган ҳолда белгиланади.

Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон республика, вилоят кенгашлари (бирлашмалари)га, Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясининг кенгашига ажратмалар миқдорини уларга аъзо бўлган ташкилотлар шартнома тузиш пайтида белгилайдилар.

4. Касаба уюшмалари ўз маблағларидан ўз фаолиятини таъминлаш учун фойдаланадилар ҳамда бу маблағларни тасдиқланган бюджетга мувофиқ сарфлайдилар.

5. Ўзбекистон касаба уюшмалари белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига, касаба уюшмалари банкини, суғурта ва пайчи жамиятларни, қўшма тижорат корхоналарини тузиш, муайян мақсадга қаратилган жамғармаларни вужудга келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари касаба уюшмаларининг умумий мулки сифатида СССР касаб уюшмаларининг мулкига биргаликда эгалик қиладилар. Уларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган объектлар жумласига бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш ишларига мўлжалланган мулклар, пул маблағлари, корхоналар ва хўжаликлар, касаба уюшмалари нашрлари, шунингдек ўз маблағи ҳисобига сотиб олинган ёки барпо этилган бошқа мол-мулклар киради.

VII. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИДОРАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ШАХС СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

Касаба уюшмалари комитетлари, район, шаҳар, вилоят, марказий (республика) комитетлари ва уларга тенглаштирилган бошқа комитетлар, вилоят кенгашлари (бирлашмалари), касаба уюшмалари Қорақалпоғистон республика кенгаши, Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар. Улар ўз муҳрига, тамғасига, банкларда ўз ҳисоб дафтарчасига эгадирлар, ўз рамзига эга бўлишлари мумкин.

* * *

Ҳурматли ўртоқлар!

Муҳокама этиладиган пойнҳалар хусусидаги ўз мулоҳаза ва таклифларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700029, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши. Телефонлар: 56-86-74, 56-87-68, 56-85-67, 56-85-73.

СССР Президентининг Баёноти

Форс кўрфазидаги воқеалар тобора ташвишли ва фожиали тус олмоқда. Сўнгги ўн йилликлардаги энг катта уруш ғилдираги тобора тез айланяпти. Қурбонлар сони, шу жумладан тинч аҳоли орасида кўпайиб бормоқда. Ҳарбий ҳаракатлар ҳозирдаёқ жуда катта моддий зарар етказди. Бутун-бутун мамлакатлар — аввал Қувайт, энди Ироқ, кейинчалик эҳтимол бошқа давлатлар фалокатли вайронагарчилик хавфи остида қолмоқда. Жуда кўп миқдордаги нефтнинг Форс кўрфазига оқизиб юборилганлиги ғоят оғир экология кулфатига айланиши мумкин.

Совет раҳбарлиги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига ўзининг мутлақо содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди, бу қарорларда кўпчилик мамлакатларнинг иродаси ва халқларнинг умиди акс этган, улар тажовузкорликни, бегоналар ҳудудлари ва табиат бойликларига кўз олайтиришни истисно этади.

Бироқ ҳарбий операцияларнинг мантиқи, ҳарбий ҳаракатларнинг туси бу қарорларда белгилаб берилган мандатдан ташқарига чиқиш хавфини туғдирмоқда.

Уруш доирасини кенгайтириб, унга Исроил ва бошқа давлатларни тортишга, шу йўл билан қуролли можарога яна бир вайрон этувчи тус беришга — Араб—Исроил можароси тусини беришга иғвогарона уринишлар ҳам фавқулодда хавфлидир.

Сиёсий даражадаги айрим баёнотларга ва нуфузли оммавий ахборот воситаларининг чиқишларига қараганда, можаронинг ҳар икки томонда турган одамларни оммавий қирғин қуролларини қўлланиш ва бунга йўл қўйиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрга кўниктирмоқчи бўлишяпти. Агар оммавий қирғин қуроллари қўлланилса, бутун жаҳон сиёсати, бутун жаҳон ҳамжамияти илдизигача ларзага келган бўлур эди.

Шу уруш муносабати билан воқеаларнинг ривожланиши совет жамиятида, мамлакат раҳбарлигида тобора кўпроқ ташвиш уйғотмоқда, бунинг устига уруш олови Совет Иттифоқи чегараларининг ёнгинасида ловилламоқда.

Тарихий масъулият, соғлом фикр, инсонпарварлик бир хулосани — Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари асосида можарони сиёсий йўл билан бартараф этишнинг барча воситаларини ишга солишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги танг пайтда мен Ироқ Президентига очиқ мурожаат қилиб, унинг мамлакати учун нималар мезонга солинганлигини яна бир чамалаб кўришга ва можарони тинч йўл билан ишончли ва адолатли бартараф этиш йўлига ўтишга имкон берадиган реализмни намоён этишга чақираман. Президент Ҳусайн билан учрашиш учун ўз шахсий вакилимни дарҳол Бағдодга юбораман.

Биз шу тарзда ҳаракат қилиб, Араб ва бошқа мусулмон давлатлари билан, Европа ва Осиёдаги мамлакатлар билан, аввало Америка Қўшма Штатлари билан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари билан биргаликда ва бир қаторда уруш вазиятидан тезроқ чиқишга ёрдам берибгина қолмай, шу билан бирга бутун жаҳон учун муҳим аҳамиятга молик бўлган ушбу минтақада хавфсизликнинг мустаҳкам ва тенг ҳуқуқли системасини тайёрлашга киришишни хоҳлаймиз. Ушбу система мазкур жараёнда, аввало шу ерда жойлашган давлатларнинг ҳал қилувчи мавқега эга бўлгани ҳолда, Араб-Исроил можаросини, Фаластин муаммосини бартараф этишни ўз ичига олади, албатта. Урушдан кейинги тузилмада Ироқ муносиб жой олиши керак, юз берган воқеалар учун Ироқ халқи жавобгар бўла олмайди, у ҳамдардликка, раҳм-шафқатга ва мададга лойиқдир.

Такрор айтаман: Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликка ёриб ўтиш учун кўрфаздаги уруш оловини мумкин қадар тезроқ ўчириш керак. Бу ҳозирги пайтда энг асосий ишдир.

М. ГОРБАЧЕВ.
1991 йил 9 февраль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясини тузиш тўғрисида

Мамлакатда телекўрсатув ва радиоэшиттиришни бошқариш системасини янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компанияси тузилсин, 1991 йил 1 январгача СССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети ҳамда унга қарашли бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида бўлган асосий фондлар ва бошқа давлат мол-мулки шу компанияга берилсин.

СССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитетининг вазифалари, ҳуқуқлари ва бурчлари янгидан тузиладиган телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясида сақлаб қолинсин, ходимларнинг умумий сони, бюджетдан маблағ ажратиш меъёрлари ва амалдаги хўжалик механизми шартлари сақлаб қолинсин.

2. Ўртоқ Леонид Петрович Кравченко СССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитетининг раиси вазифасидан озод қилинсин, Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси этиб тайинлансин.

Ўртоқ Л. П. Кравченко икки ҳафта муддат ичида:

Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компанияси тўғрисидаги низом лойиҳасини СССР Президенти тасдиқлаши учун тақдим этсин, лойиҳада Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси СССР давлат бошқаруви марказий идораси раҳбари ҳуқуқларига эга бўлиши кўзда тутилсин;

Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясини молиявий жиҳатдан таъминлаш ва компания фаолиятининг бошқа масалаларига доир таклифларни СССР Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Телекўрсатув ва радиоэшиттириш соҳасидаги илмий-техникавий ва дастурий сиёсатни мувофиқлаштиришни яхшилаш, бу соҳада халқаро алоқаларни ривожлантиришда республикаларнинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида телекўрсатув ва радиоэшиттириш Бутуниттифоқ кенгаши тузилсин. Бу кенгашга раҳбарлик қилиш Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси Ўртоқ Л. П. Кравченко зиммасига юклатилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кенгаш таркибига ихтиёрийлик асосида кирадиган республикалар телекўрсатув ва радиоэшиттириш ташкилотларининг раҳбарлари кенгаш аъзоларидир.

Ўртоқ Л. П. Кравченкога икки ҳафта муддатда телекўрсатув ва радиоэшиттириш Бутуниттифоқ кенгашининг иш тартиби ва ишчи аппаратига доир таклифларни тақдим этиш топширилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, СССР Президентининг 1990 йил 2 ноябрдаги «1991 йилда валюта ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида тартиби тўғрисида»ги фармонининг валюта тушумлари бир қисмини СССР ташқи иқтисодий банкига мажбурий равишда сотиш ҳақидаги 3-моддасининг амал қилиши Бутуниттифоқ Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг ташқи иқтисодий фаолиятига нисбатан қўлланилмайди.

5. СССР Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармондан келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилсин.

6. Ушбу фармон эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил, 8 февраль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

УРУШДАН ОЛДИНГИ ЙИЛЛАРДА ВА УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ДАВРИДА ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОҒИДА, ШУНИНГДЕК БАЙНАЛМИЛАЛ БУРЧИНИ БАЖАРИШ ЧОҒИДА ҲАЛОК БЎЛГАН СОВЕТ ФУҚАРОЛАРИ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Мамлакатда Ватанни ҳимоя қилиш чоғида ва байналмилал бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган совет фуқаролари хотирасини абадийлаштириш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Бироқ совет жамоатчилиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарлари ҳалок бўлган жангчилар, партизанлар ва яширин кураш қатнашчилари хотирасига лоқайдлик билан қараш, қабрлар ва ёдгорликларни пала-партиш сақлаш ҳолларидан ташвишланмоқдалар. Кўп жангчиларнинг ҳоки шу вақтача дафн этилмаган. Бедарак йўқолганлар одатда ёлғиз ташаббускор кишилар ёки ёшларнинг кам сонли отрядлари томонидан қидирилмоқда, уларнинг ишлари кўпинча тегишли тарзда қўллаб-қувватланмаяпти, марказда ва жойларда пухта мувофиқлаштирилмаяпти. Чет давлатлар ҳудудида дафн этилган совет фуқаролари тўғрисида тўла маълумот олиш чоралари етарли эмас.

Ватанни ҳимоя қилиш чоғида ва байналмилал бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган совет фуқароларининг хотирасини абадийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги жамоатчиликнинг жуда кўп таклифларини ҳисобга олиб, шунингдек Бутуниттифоқ хотира китобини нашр этишга тайёрлашни кучайтириш зарурлигини, бу ишнинг катта сиёсий ва маънавий аҳамиятини эътиборга олиб, **қарор қиламан:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 1 апрелгача:

СССР Олий Кенгашига киритиш учун урушдан олдинги йилларда, Улуғ Ватан уруши даврида, шунингдек байналмилал бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган совет жангчилари, партизанлар ва СССРнинг бошқа фуқаролари хотирасини абадийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги жамоатчиликнинг жуда кўп таклифларини ҳисобга олиб, шунингдек Бутуниттифоқ хотира китобини нашр этишга тайёрлашни кучайтириш зарурлигини, бу ишнинг катта сиёсий ва маънавий аҳамиятини эътиборга олиб, **қарор қиламан:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 1 апрелгача:

СССР Олий Кенгашига киритиш учун урушдан олдинги йилларда, Улуғ Ватан уруши даврида, шунингдек байналмилал бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган совет жангчилари, партизанлар ва СССРнинг бошқа фуқаролари хотирасини абадийлаштириш юзасидан кўп иш қилинмоқда, уларнинг ишлари етарли эмас.

Ватанни ҳимоя қилиш чоғида ва байналмилал бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган совет фуқароларининг хотирасини абадийлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги жамоатчиликнинг жуда кўп таклифларини ҳисобга олиб, шунингдек Бутуниттифоқ хотира китобини нашр этишга тайёрлашни кучайтириш зарурлигини, бу ишнинг катта сиёсий ва маънавий аҳамиятини эътиборга олиб, **қарор қиламан:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 1 апрелгача:

СССР Олий Кенгашига киритиш учун урушдан олдинги йилларда, Улуғ Ватан уруши даврида, шунингдек байналмилал бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган совет фуқароларининг хотирасини абадийлаштириш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Бироқ совет жамоатчилиги, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарлари ҳалок бўлган жангчилар, партизанлар ва яширин кураш қатнашчилари хотирасига лоқайдлик билан қараш, қабрлар ва ёдгорликларни пала-партиш сақлаш ҳолларидан ташвишланмоқдалар. Кўп жангчиларнинг ҳоки шу вақтача дафн этилмаган. Бедарак йўқолганлар одатда ёлғиз ташаббускор кишилар ёки ёшларнинг кам сонли отрядлари томонидан қидирилмоқда, уларнинг ишлари кўпинча тегишли тарзда қўллаб-қувватланмаяпти, марказда ва жойларда пухта мувофиқлаштирилмаяпти. Чет давлатлар ҳудудида дафн этилган совет фуқаролари тўғрисида тўла маълумот олиш чорал